

ҲАРБӢЙ ТАШКИЛОТНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Шакиров Жамшид Каримкулович¹, Беккамов Элмурод Шухратович¹

*¹Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Санитария эпидемиология назорати
маркази*

CRITERIA FOR ASSESSING THE SANITARY AND EPIDEMIOLOGICAL STATE OF A MILITARY ORGANIZATION

Shakirov Jamshid Karimkulovich¹, Bekkamov Elmurod Shukhratovich¹

*¹Центр санитарно-эпидемиологического контроля Министерства обороны Республики
Узбекистан*

КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ САНИТАРНО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ВОЕННОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Шакиров Жамшид Каримкулович¹, Беккамов Элмурод Шухратович¹

*¹Sanitary and Epidemiological Control Center of the Ministry of Defense of the Republic of
Uzbekistan*

https://doi.org/10.62209/SPJ/vol5_Iss2/art3

Аннотация: Ҳарбий хизматчиларнинг касалланиши Куролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигига зарар етказишнинг энг муҳим сабабларидан биридир. Унинг тузилиши ва динамикасининг хусусиятлари ҳарбий хизматчиларнинг тоифаларига ва уларга ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш натижасида юзага келадиган ноқулай омилларнинг, масалан, махсус моддий ва маиший шароитлар, касбий хавф-хатарлар, жанговар тайёргарлик фаолияти билан боғлиқ руҳий ортиқча юк, жиддий жисмоний ва руҳий-психологик омилларнинг комплекс таъсир даражасига боғлиқ (Фисун А.Й. 2014).

Калит сўзлар: ҳарбий хизматчилар, касалланиш, ўзига хос профилактика, ижтимоий ва гигиеник хавф омиллари, иммунитет, антикорлар, эпидемиянинг кўтарилиши.

Abstract. Illness among military personnel is one of the most important reasons for disruption of the combat readiness of the Armed Forces. The features of its structure and dynamics are associated with categories of military personnel and unfavorable factors that arise during the performance of military duties, for example, special material and living conditions, occupational hazards, mental overload associated with combat training, difficult physical and psychological conditions - psychological problems depend on the level complex influence of factors (Fisun A Y., 2014).

Key words: military personnel, specific prevention, social and hygienic risk factors, immunity, antibodies, epidemic rise.

Аннотация: Заболевание военнослужащих является одной из важнейших причин нарушения боеготовности Вооруженных Сил. Особенности ее структуры и динамики связаны с категориями военнослужащих и неблагоприятными факторами, возникающими при исполнении воинских обязанностей, например, особыми материально-бытовыми условиями, профессиональными вредностями, умственными перегрузками, связанными с боевой подготовкой, тяжелыми физическими и психологическими условиями, психологические проблемы зависят от уровня комплексного воздействия факторов (Фисун А. Й., 2014).

Ключевые слова: военнослужащий, специфическая профилактика, социально-гигиенические факторы риска, иммунитет, антитела, эпидемический подъем.

Кириш. Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш замонавий давлатнинг муҳим ижтимоий функциясидир. Инсоннинг ижтимоий табиати шуни кўрсатадики, одамлар, аҳоли гуруҳлари ва жамоалар ҳаётининг энг муҳим кўринишлари, уларнинг саломатлиги ва “касаллиги” ижтимоий муаммолардир. Салбий омиллар ўз таъсирини инсоннинг ижтимоий табиати, унинг бевосита ва кенгроқ муҳити орқали амалга оширади. Инсон омилининг табиий муҳитга босими ортиб бораётган бир шароитда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг амалдаги тизими ҳар доим ҳам санитария-эпидемиологик вазиятнинг кескинлашувига тез жавоб беришга имкон бермайди, энг муҳими, санитария қонунчилиги бузилишининг олдини олишга етарлича ҳисса қўшмайди ва санитария-эпидемиологик вазиятни ёмонлаштирадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган эмас [1].

Мамлакатимиз барқарорлигини таъминлаш мустақил армиямизнинг зиммасида бўлиб, Қуролли Кучлар сафини етук ҳарбий хизматчилар билан тўлдириш масаласи стратегик характерга эгадир.

Ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кадрлар сиёсати билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳарбий хизматчиларни амалиёт учун тайёрлаш уларга замон талаблари даражасида фан ва техниканинг ютуқларидан мукаммал фойдаланган ҳолда таълим-тарбия беришни тақозо этади. Шунинг учун, Ватан ҳимоячилигини ўзи учун касб сифатида танлаганларнинг ҳарбий тайёргарлиги ҳамда касбий тарбиясига илмий нуқтаи назардан ёндашиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий техник базасини янада такомиллаштиришга, уларнинг саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, замонавий жанг ва ҳарбий санъатни ҳамда хорижий армияларнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида қўшинлар жанговар шайлигини ривожлантириш кўзда тутилган.

Ушбу ҳолатлар замонавий даврда уюшган ҳарбий гуруҳларда касалланишнинг эпи-

демиологик хусусиятларини ўрганиш зарурлигини тақозо этмоқда, уларнинг натижалари уларнинг олдини олиш бўйича истиқболли чора-тадбирларни асослаш ва тўлдириш имконини беради. Айнан мана шу ҳолатлар ва юқори даражадаги касалланиш ҳолатлари ҳарбий хизматчилар ўртасида касалликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг эпидемиологик самарадорлигини ошириш зарурлигини белгилайди [2,3,4].

Ҳарбий жамоалар яшаш жойларининг нисбатан алоҳидалиги, овқатланиш, маиший ва тиббий таъминот, шунингдек, ҳарбий хизматни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган аҳолига нисбатан автоном ҳаёт шароитлари, ҳарбий хизматчиларда эпидемик жараённинг ижтимоий омиллари билан изоҳланади ҳамда касалланишнинг шаклланишига таъсир қилиши мумкин [2,4].

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан иборат уюшган гуруҳларда инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятлари, тарқалиши ва ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар ҳалигача илмий ўрганилмаган, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги қуйидаги ҳолатларга боғлиқ:

- санитария-эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашиши, шу жумладан ҳарбий хизматчиларнинг тезкор вазифаларни бажарадиган ҳудудларда;
- аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминловчи давлат органлари тизими ва улар фаолиятининг ташкилий усуллариининг самарасизлиги;
- аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг амалдаги ҳуқуқий усуллари тизимининг камчиликлари;
- давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини ҳарбий хизматчилар томонидан қўриқланиш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тегишли буйруқларига асосан Қуролли кучлар шахсий таркибининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш – барча даражадаги командир ва бошлиқларнинг Ўзбекистон Республикаси

Қуролли Кучлари шахсий таркибининг ҳаёти-ни, соғлиғини ва меҳнат фаолияти учун ҳарбий касбий салоҳиятини сақлашга қаратилган фаолиятидир.

Қўшинларнинг (кучларнинг) санитария-эпидемиологик осойишталиги қуйидагилар билан таъминланади:

- командирлар ва бошлиқлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг касалликларнинг олдини олиш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг хизмати ва ҳаёти учун хавфсиз шароит яратишга доир талабларини бажариши;

- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва Ўзбекистон Республикаси санитария қонунчилигини бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида шахсий таркибнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, яшаш муҳити ва турмуш шароитини яхшилаш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида давлат санитария-эпидемиология назорати тизимининг фаолият юритиши;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари ва фуқаро ходимлари ўртасида юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишга, шунингдек уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, муҳандислик, тиббий, санитария, ветеринария ва бошқа тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш;

- шахсий таркиб орасида оммавий юқумли бўлмаган касалликлар (заҳарланиш)нинг олдини олиш;

- шахсий таркибни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш [6].

Қўшинларни эпидемияга қарши таъминоти - бу қўшинларга инфекциялар кириб келишининг олдини олиш ва ҳарбий қисмларнинг шахсий таркиби ўртасида юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва юзага келган тақдирда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тизими.

Ҳарбий хизматчилар орасида эпидемик

жараёни нисбатан мустақил бўлиб, биринчи навбатда ҳарбий жамоага хос бўлган омиллар билан белгиланади. Қўшинларда юқумли касалликларга таъсир қилувчи омилларни ташқи ва ички омилларга бўлиш мумкин: **Ташқи омиллар:** минтақа/мамлакатдаги эпидемик вазият;

қўшинлар жойлаштирилган/операция қилинадиган ҳудуддаги эпидемик вазият.

Ички омиллар: йилига 1 марта ходимларни даврий аралаштириш (ҳарбий хизматга чақириш ва хизматдан бўшатиш, 25% га янгилаш қўшинларга юқумли касалликларни кириш хавфи ортади); қўзғатувчининг вирулентлигига қараб - алоҳида ҳолатлардан эпидемик авж олиши, қўшинларда эпидемиянинг ривожланишига қадар; ҳарбий хизматчиларни “зич” ёки казармаларда жойлаштириш; казармаларда жойлаштирилганда, аэроген инфекцияларни ривожланиш хавфи ортади (овқатланиш пайтида, ўқиш пайтида инфекциянинг юқори хавфи); марказлашган электр ва сув таъминоти; физик, кимёвий ва бошқа табиат омиллари (шовқин, тебраниш, юқори частотали электромагнит тебранишлар таъсири, ракета ёқилғисининг заҳарли компонентлари); бошқалар (оғир психологик реакциялар - стресс, организмнинг депрессияси ҳисобига иммунитетнинг пасайиши).

Ҳар доим юқумли касалликларни ҳарбий тузилмаларга кириш йўллари ва қўшинларда эпидемик жараённинг кечишига таъсир қиладиган шароитлар мавжуд.

Ҳарбий қисмга юқумли касалликларни кириш йўллари:

янгидан чақирилган ҳарбий хизматчилар билан (муддатли ва шартнома бўйича хизмат); ҳарбий хизматчиларнинг таътилдан (навбатдаги, оилавий сабаб, касаллиги туфайли), хизмат сафарларидан қайтишлари, ҳарбий хизматни давом эттириш учун кейинги хизмат жойига келишлари, ҳарбий қисм жойлашган ҳудуддаги аҳолидан, ҳайвонлардан (уй ва синантроп), зоонозларнинг табиий ва антропоген ўчоқларидан (сапронозлар), озиқ-овқат, сув ва бошқаларнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган таъминоти билан.

Юқумли касалликларнинг тарқалишига таъсир қилувчи шароитлар қуйидагиларга боғлиқ:

харбий жамоани даврий янгилашдан; харбий касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан (яшаш, овқатланиш, сув таъминоти, ҳаммом ва кир ювиш хизматларини ташкил этиш, харбий мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятлари); ўқув-жанговар ҳолатининг тури ва хусусиятлари бўйича; шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаганда; харбий қисмни жойлашган (ҳаракат қилиш) ҳудудидаги санитария-эпидемиология ҳолатидан.

Санитария-эпидемиологик вазиятни мураккаблаштирадиган шароитлар:

ярадорлар ва касаллар кўринишида оммавий санитария йўқотишлари (соматик, рухий, юқумли); таркибида хавфли биологик, кимёвий ва радиоактив моддалар бўлган ишлаб чиқариш ва коммунал объектларни бузилиши; ҳаво ва сувнинг патоген микроорганизмлар билан ифлосланиши; аҳолининг жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудлардан, уни қабул қилиш ва жойлаштириш учун мослаштирилмаган ҳудудларга кўчиши; даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасаларининг жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда зарур тиббий хизматлар кўрсатиш имкониятларини пасайиши; ҳалок бўлганларни ва юқори эпидемия ҳамда эпизоотологик хавфли ҳайвонларни кўмишни ташкил этишдаги қийинчиликлар; оммавий юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни (заҳарланишни) даволаш ва олдини олиш учун дори воситаларининг етишмаслиги; жанговар ҳаракатлар олиб

борилаётган ҳудудларда ёки фавқулодда вазиятларда эпидемияга қарши қатъий режимни ўтказишга тўсқинлик қиладиган ваҳима ва аҳолининг бошқа номақбул хатти-ҳаракатлар реакцияларининг тарқалиши [5].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий хизматчилари мисолида харбий ташкилотларда юқумли касалликларга қарши курашнинг ташкилий функционал шаклини ишлаб чиқиш зарурати эпидемиологик осойишталикни таъминлашнинг долзарб масалалари ва уни назорат қилишнинг ташкилий-функционал шаклини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб, тиббий-ижтимоий, гуманистик, иқтисодий ва хатто сиёсий муаммо бўлиб қолади.

Хулоса. Шундай қилиб, харбий қисмларда эпидемияга қарши қатъий режимни ташкил этиш ва режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидагича гуруҳлаш энг мақбулдир. Санитария-эпидемиологик ва биологик вазиятни аниқлаш ва баҳолаш, санитария-эпидемиология назоратини амалга ошириш, биологик разведка ишларида иштирок этиш, харбий қисмдаги, у жойлашган (ҳаракат қиладиган) ҳудуд ва аҳоли ўртасидаги санитария-эпидемиологик ҳолатни баҳолаш, биологик вазиятни баҳолаш ҳамда оператив маълумот олиш ва юқумли касалликларнинг эпидемиологик таҳлилини ўтказиш лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Влияние плотности размещения военнослужащих на микробную обсемененность воздуха в казармах и заболеваемость острыми болезнями органов дыхания / С. Д. Жоголев, П. И. Огарков, С. М. Кузнецов, К. Д. Жоголев, В. Б. Сбойчаков, Л. И. Клецко, Д. А. Жарков, М. А. Журкин // Материалы Всероссийской научно-практической конференции «История и перспективы отечественной гигиенической науки и практики (Санкт-Петербург, 23 - 24 апреля 2015 г.). - СПб, 2015. - С. 167.
2. Голиков С.А., Королев Г.Г., Семенова П.О. Санитарно-противоэпидемические (профилактические) мероприятия при наводнении на территории Восточного военного округа. // Известия Российской военно-медицинской академии. 2019. Т. 38. № S1-1. С. 105-108.
3. Елисеев, Ю. Ю. Санитарно-гигиенический мониторинг факторов обитаемости и состояния здоровья военнослужащих, проходящих службу в учебных бригадах / Ю. Ю. Елисеев, В. Н. Дерин, У.Х. Рахманов // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. - Т. 13, № 1 (8). - 2011. - С. 1869 - 1873.

4. Зусмановский, Е.Ю. Состояние здоровья, качество жизни и пути оптимизации медицинского обеспечения военнослужащих пограничной службы, проходящих военную службу на контрактной основе: автореф. дис. канд. мед. наук: 14.00.33 / Зусмановский Евгений Юрьевич. - Иваново, 2005. – С. 28.

5. Крупнов, П.А. Оптимизация медицинского обеспечения воинских частей в мирное время: автореф. дис. канд. мед. наук: 14.00.33 / Крупнов Павел Анатольевич. - Астрахань, 2006. - 26 с.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2023 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кўшинларида санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш тўғрисида” ги 466 - сонли буйруғи.

